



ТОШКЕНТ ХАЖИВАТИ

ЎЗНОМА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҚЎМИТАСИ,
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ БОШ НАШРИ

№ 46 (10.042)

1991 йил 6 март

чоршанба

Баҳоси 6 тиин.

17 МАРТ-СССР

РЕФЕРЕНДУМИ КУНИ

ЖОЙЛАРДАГИ СУХБАТЛАР

Яқинда ўтказилган Ягона сийсий куннинг асосий мавзуси бўлажак референдумга қаратилди. Ташкилот ва корхоналар, колхоз ва совхозлар, завод ва фабрикалар, ҳуллаас барча жойларда бўлиб ўтган йилги референдум қандай қилиб сақлаб қолдиш тўғрисида фикрлашди.

Вилоятимизнинг турли ҳудудларидан келатган хабарларда сийсий кун муваффақиятли ўтганини, бу куннинг аввалчиларидан фарқи — унда турли соҳада ишловчи кишилар фаол иштирок этганини таъкидлади.

Оққўрғон районидagi Алиммент тринкоат ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлиб ўтган йилги референдум 187 киши қатнашти. Район комсомол қўмитасининг саркотиби Х. Давлатов йилгиларга референдумнинг муҳияти ва аҳамияти ҳақида сўзлаб берди. Сўзга чиққанлар бир овоздан Иттифоқни сақлаб қолдиш тўғрисида фикр билдирдилар.

Сегизбоев қишлоқ кенгашига йилгилар ҳам шундай яқдил фикрга келишди. Қишлоқ кенгаши раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Алижонов, ноҳия кенгаши раиси ўринбосари Р. Муҳамедовлар меҳнаткашларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Акматалиев Икромов номли колхозда 217 киши, Ҳамид Олжон номли чорвачилик фермасида 211 киши иштирок этган йилгиларда ҳам кишилар бўлажак референдумда мамлакатнинг бўлиниб кетмаслиги учун овоз беражакларини билдирдилар.

Район фаоллари иштирокида кенгаш бўлиб ўтди. Унда Ягона сийсий куннинг натижалари муҳомада қилиниб, референдумга тайёргарлик тўғрисида ахборотлар тингланди. Район бўйича 31 та сайлов участкаси белгилаб, референдумда 35288 киши иштирок этиши рўйхатга олинди.

Оқангарон ноҳиясидан келган хабарда ҳам ягона сийсий куннинг қандай ўт-

ганлиги ҳақида ахборотлар бор. Қорахот қишлоқ кенгашида кўп кишилиқ йилги референдум бўлди. Қишлоқ кенгаши раиси С. Каримов меҳнаткашларга референдумга партия ва кенгаш органларининг муносабатлари тўғрисида гапирди берди.

Сўзга чиққанлар ягона Иттифоққа қарши эмасликларини, фақат унда ҳар бир республикаларнинг ҳуқуқлари аниқ ва равшан қилиб белгилаб берилишини талаб қилдилар.

Муस्ताқиллик кўп нараса беришини шаҳар Қариялар уйига йилгилар ҳам ўз фикрларидан изҳор қилишди. Мулоқот шаклида бўлиб ўтган йилги референдум тарбия ва ўқув муассасалари ходимлари иштирок этишди.

Бекобод районидa референдум кун 34 та сайлов участкаси фаолият кўрсатиши белгиланди. Район партия қўмитасининг аъзолари ҳамда район кенгаши вакиллари жойларда тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бораётдилар.

Ягона сийсий кун бўлиб ўтди. Бирок ишнинг энди ўз ҳолига ташлаб қўйиш керак эмас. 17 мартга оқ фурсат қолди.

Мафқура, Ёшлар ҳаёти ва ахборот бўлими

СССР ВАЗИРЛАР КАБИНЕТИДА

4 март кун СССР Президентини М. С. Горбачев расида иттифоқ ҳуқуқларининг мажлиси бўлди. Унда шундай муаммолар мажмуи кўриб чиқилди, мамлакат, унинг барча халқларининг ҳаёти том маънода ана шу муаммоларнинг ҳал этилишига боғлиқдир. Мажлис қатнашчилари — иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар ҳуқуқларининг, вазириклари ва идораларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари СССР Иттифоқи ва жумҳуриятларнинг давлатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳволини барқарорлаштиришга

ҳамда шу йил озиқ-овқат ва кишлоқ хўжалиги хом ашёсини етказиб беришга оид иқтисодий битимлар қандай бажарилаётганини таълабчанлик билан гоат чуқур таҳлил этдилар.

Мажлисда республикалар ўзлари имзолаган шартномаларини, шунингдек марказ

республикаларга нисбатан ўз мажбуриятларини жуذا қонингарсиз бажараятилар, деган асосий хулосага келишди. Натижанда мамлакат, жамият мушкул вазиятда қолди.

Совет ҳуқуқларининг раҳбари республикалар раҳбарлари билан биргаликда ўтган йилнинг охирида қўрган шовишлиқ тадбирлар ижтимоий ишлаб чиқаришини барқарорлаштиришга қаратилган муҳим қадамлар

қўйишга имкон берди. Бу биринчи навбатда, ўзаро шартномалар асосида корхоналар ўртасидаги ҳўжалик алоқаларини мустақамлашга тааллуқли бўлди.

Нотиқлар мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий турмушидаги аҳвол мушкуллашганлигини ва бир қатор соҳаларда тоқат қилиб бўлмайдиган вазият вужудга

(Давоми 3-бетда).

КУТАР СИЗНИ ДАЛА, ҚИР

Майсаларда ўзга сир,
Уйғонди дала ва қир,
Сочини ўйнаб атайин,
Шамол эсади майин.
Улашиб элга ризқ-рўз,
Эшик қоқмоқда Наврўз,
Сумалак — жонга малҳам,
Келин, кўрайлик баҳам,
Кўк сомсалар ёпайлик,

Сўлаб кўнгл топайлик,
Яйраб қилайлик ҳузур,
Етказганга шукур,
Чор атроф очди қирой,
Қўшиқ қуйлар жўшқин сой,
Тонг билан уйғониб тенг,
Дехқонлар шимарди енг,
Дов-дархатлар гулади,
Қўнвоб диллар кулади.

Покизаю ҳам масъум,
Еқар сизга бу масъум,
Қўзларни мисли мунчоқ,
Яйраб ҳатто қўзичоқ,
Қирга келсангиз албат,
Қўлон ўғли бўлар шод.

Санд ВАЛИ.

В. ТўРАЕВ сурад-лаҳаси.



ИТТИФОҚ—БИЗ УЧУН УЛУҒ ҚЎРҒОН

Ғалаба районининг турли ёш, турли касбдаги одамлардан СССР референдуми тўғрисидаги фикрларини сўраганимизда қуйидагиларни айтишди.

● Айдархон ТУРҒУНОВ, «Огоён» совхозида яшовчи Улуғ Ватан уруши фахрийси, Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси, КПСС аъзоси:
— Шу кунларда рўй бераётган воқеаларни кузатиб, уруш йиллари ёлмига тушиб кетди. У пайтда биз миллат ва эллатаринимиздан қатъий назар Ватанимиз учун, унинг келажиги учун курашганимиз ва бу мақсад ғалабага олиб келди. Демократия, Ватан тўғриси ўша пайтда кучли эди ва ҳар биримизнинг йўлимиз, ниятимиз муштарақ эди. Ҳозир эса бу ҳақда гапириб кимларгадир кулгули ҳисобланади.

Референдум масаласига келсак менинг фикримча, авваламбор уни ўтказишнинг зарурати йўқ эди. Ахир оддий меҳнаткаш халқ Иттифоқини мисли томонидан эканлиги ҳеч биримизга сир эмас-ку? Қолаверса, 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида Иттифоқ тарихида яшаб кам бўлмади-ку! Уни ўтказишга қарор қилинибди экан ўйлайманки, деярли ҳамма Иттифоқимизни сақлаб қолдиш учун овоз беради. Шахсан мен ҳам. Зеро халқимиздаги «Бўлиганимиз бўри ер»

кўп миллатли заводимиз меҳнат аҳли референдумда Иттифоқимизни сақлаб қолдиш учун овоз беради.

● Қўнғон ҚОЎЛАСОВ, Калинин номида совхоз касаб-ушумаси ташкилотининг раиси:
— Одамларимиз қандайдир кўрқинч остида ишлайдиган бўлиб қолдиши. Бундай шартда Иттифоқни сақлаб қолдиш масаласи кун тартибидagi биринчи масалалардан ҳисобланади. Менинг фикримча референдум ўтказилиши тўғри йўл. Уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайман, ўз навбатида Иттифоққа кирган жумҳуриятлар мустақил бўлишлари, ўз тақдирларини ўзлари ҳал қилишлари зарур.

● Султон ҚАЛАНДАРОВ, Киров номида колхоз бригадаси бошлиғи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор:
— Мен жумҳуриятимизнинг кўпмиллатли мамлакатимиздаги бошқа барча жумҳуриятлар билан бирга янгилашган Иттифоқ таркибидa бўлишни истайман. СССР — бунининг ягона Ватанимиз, умумдавлатимиз бўлиб қолиши учун овоз бермоқчиман.

Биз ҳам юқоридagi ҳамқишлоқларимиз фикрини маъқуллаймиз. Умумий уйимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи бузиламас ва муқаддас кўрғондир.

С. МУСТАФОВ,
Т. МЕҲМОНҚУЛОВ,

Тошкент вилоятида Наврўз халқ байрамини таъйирларик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тузилган ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлди. Уни вилоят ижроия қўмитаси раиси, ташкилий қўмита раиси С. Д. Сайдалиев олиб борди.

Наврўз байрами мазмуни янада бойитиш, унга байналмилал руҳ бағишлаш, айём баҳона қадриятларини тўла тиклаш учун қандай чораларни қўришимиз керак? Мажлисда сўзга чиққан қўмита аъзолари шу масалаларга алоҳида эътиборни қаратдилар.

— Болалигини яхши эсламан, — деди Оржоникидзе район фахрийлар кенгаши раиси Ж. Хоназаров — Наврўз байрами кунлари варрак учиршиб, чанг чалиш, хўроз ва қўчқор уриштириш бўйича мусобабалар ўтказардим. Бу йил учунтоб тоборилган мана шундай миллий оғатларимизни тиклашимиз, байрамга ўзгача руҳ бағишлашимиз керак.

Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи котиби А. Абдувоҳидов, Пискент район партия комитетининг биринчи котиби Т. Холбоёвнинг ҳисоботларидан шу нарсa маълум бўлдики, бу томонларда байрам билан боғлиқ тадбирлар бошланб кет-

тибди. Олмалиқ шаҳри маҳалаларидан бирида пиширилган сумалакка қўмита аъзоларининг ҳам оғзи тегди.

Мажлисда берилган тавсиялар байрамга тайёргарлик ишларини янада кучайтиришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Маълум йўналишлар бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қўмита аъзоларидан тузилган гуруҳлар ишга киришди.

Ташкилий қўмита мажлисида Тошкент вилоят партия қўмитасининг иккинчи котибаси Ш. Н. Маҳмудова иштирок этди.

натбуот бошқармаси бошлиғи Ш. Миралимов, — Наврўз энг аввало дала ишлари бошланганлигини дарақлайди ва бизни киш уйқусидан уйғонган кенгликларга чорлайди. Далада байрам, деган ибора шундан келиб чиққан бўлса ажаб эмас. Байрамга бошқа миллатларнинг

нинг кўнглини овлашимиз, уларга хайр-эхсонлар улашимиз керак. Ташкилий қўмитанинг ҳар бир аъзоси бу йўналишда аниқ топириққа эга бўлмоғи лозим. Байрам кунлари бўладиган тантаналар матбуот, телевидение, радио эътиборидан четда қолмасин. Бу борда рўномаларнинг икюдий танлови ўтказилса ҳам бўлади.

В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди Тошкент вилоят бўлими раиси М. Солихова, вилоят ижроия қўмитаси хотин-қизлар билан ишлаш сектори мудири А. Носирова Наврўзнинг инсонпарварлик, байналмилал тоиларини ривожлантиришга қаратилган тақдирларни ўртага ташладилар.

Мажлисда берилган тавсиялар байрамга тайёргарлик ишларини янада кучайтиришга ёрдам беради, деб ўйлаймиз. Маълум йўналишлар бўйича белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қўмита аъзоларидан тузилган гуруҳлар ишга киришди.

Ташкилий қўмита мажлисида Тошкент вилоят партия қўмитасининг иккинчи котибаси Ш. Н. Маҳмудова иштирок этди.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

АВТОМАТИКА ЁРДАМ БЕРАЯПТИ

Янги Тошкент консерва заводининг раҳбарлари бундан беш йилларга кирмасдан ҳам жойлардаги ишларнинг қандай бораётганини доимо баҳар бўлиб турганини, Барча зарур маълумотларни улар «Учёт» марказлаштирилган назорат қурилмаси теъорикларидан олишди.

Технология линияларига ўрнатилган асбоблар бўш идишлар қанчалиги ва қандай ҳаракат қилаётгани, тайёр маҳсулот тўғрисида тўла-тўқис ва аниқ маълумот беради. Бир банка ҳам консерва «чеч»га чиқиб кетолмайдди. Бу линия бераётган йиллик иқтисодий самара 20 миңг сўмдан ошарди.

— Биз корхонада ўрнатган назорат системасини, — дейди «Узатронформ»нинг бўлим бошлиғи М. Незамов, — комбинат мухтассислари юксак баҳолашди.

(ЎзТАГ мухбири).

ҲАММАНИНГ БАЙРАМИ

МАНФААТЛАРНИНГ МУШТАРАКЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВА РСФСР ОМСК ВИЛОЯТИ УРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ҚИЛИШ Тўғрисидаги ШАРТНОМАНИНГ НЕГИЗИ ШУНДАЙДИР

Тошкент ва Омск вилоятлари ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши билан Омскдан Тошкентга келган делегациянинг ишчи ташрифи охирига етди. Делегация таркибидa Омск вилояти ижроия комитети раиси Л. К. Полежаев, вилоят партия комитетининг котиби Г. Ф. Милотин ва вилоят матбуот жамиятининг раиси, РСФСР халқ депутати Г. М. Горчаковлар бор эди.

Омсклик делегация аъзолари Тошкент вилоят комитетининг раиси С. Д. Сайдалиев, вилоятдаги қатор хўжаликлар ва саноат корхоналарининг раҳбарлари билан учрашдилар. Шартнома имзоланиши олдидан анча кўчгайрат сарфлаб ишланди. Рақамлар тилида сўз борди. Иқтисодчиларнинг анча меҳнат қилишларига тўғри келди.

Тузилган шартнома икки вилоят халқ ҳўжалиги тур-

дош тармоқлари, меҳнат жамоалари ўртасида, шаҳарлар ва районлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни таъминлашга қаратилган. У савдо, саноат ва кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши маҳсулотларини айрибошлаш жонлантиришга ёрдам беради.

Томонлар Тошкент ва Омск вилоятлари ўртасида кенг маданий ҳамкорликнинг таркиб топишга ёрдамлашнинг мажбуриятини олдидлар.

Ушбу ҳужжатнинг имзоланиши билан икки вилоятнинг меҳнаткашлари байналмилал дўстлик, қардош халқларнинг анъаналари ва урф-одатларини ўзаро ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашга қаратилган ҳамкорлигининг муҳим аҳамияти ҳам таъкидланди.

Музокаралар тугагач, Тошкент вилоят ижроия комитетининг раиси С. Д. САЙДАЛИЕВ рўнома мухбири саволларига жавоб берди.



СССР референдумини ўтказиш ва унга тайёргарлик қилиш жойларда қизғин тус олмоқда. Ҳозир асосий ташвиқот-тарғибот ишларига қаратилмоқда. Бунда жойлардаги овоз бериш участкаларининг аъзолари фаоллик кўрсатишмоқда. Ушбу сурат 29-Нискент

Суратқаш Р. РАХМУЛИН.

— Шундай қилиб, вилоятнинг ҳамкорлик қилаётган шериклар давраси кенгайди. Утган йили Тошкент ва Чиликент вилоятлари ўртасида худди шундай шартнома имзоланганда кейин Сайфулла Давронвич, сиз-

дан интервью олганлигим эсимда. Эндилкида омскликлар билан шартнома тузилди.

— Бозор ўз амрини ўтказди. Шерикларни қидириш, ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш-

га тайёрлик вилоятимиз делегациясини ўтган йили Чиликентга ташриф буюришига олиб келди. Бизнинг Қозғистоннинг қўшини вилояти билан шартномамиз ўзининг сезиларли меваларини бермоқда. Яқинда

Ўзбекистон ва Қозғистон Президентларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви вақтида бу ҳақда қисман гапирди. Ислоҳ Абдуғаниевич Каримов икки

(Давоми учинчи бетда).

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг бешинчи сессиясини чақириб тўғрисида

1. Пигирма биринчи чақириб халқ депутатлари вилоят Кенгашининг бешинчи сессиясини 1991 йил 29 март кун Тошкент шаҳрида чақирилсин.

2. Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Ўзбекистон ССР Президентининг «Ўзбекистон ССР қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги фармони бажарилишининг бориши ва вилоятда яқна тартибда уй-жой қурилишининг аҳволи тўғрисида.

2. Тошкент вилоят ижроия қўмитасининг Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг 1990 йил 29 октябрдаги қарорини бажариш бўйича фаолияти режаси ва бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан вилоят халқ ҳўжалигини барқарорлаштириш бўйича тадбирлари тўғрисида.

3. Тошкент вилоятининг 1991 йилги маҳаллий бюджетни ҳақида ва 1989 йил бюджетининг ижроси тўғрисида.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашининг раиси С. МАМАРАСҲУЛОВ. Тошкент шаҳри, 1991 йил 1 март.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси К. АҲМЕДОВ. Марказий сайлов комиссиясининг секретари М. МАМАТАЗИЗОВ. 1991 йил 5 март.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ 1990 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

I. УМУМИЙ АҲОЛИ

Вилоятнинг 1990 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши аҳолининг шундан далолат берадики, вилоят иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилган чоралар халқ ҳужалиги тармоқларининг ривожланишига айрим ижобий натижаларни бўлиши таъминлади.

Ижтимоий-маданий соҳага сарфланган сармоянинг улushi ортди. Аҳолининг назорат қилинмайдиган пуллик даромадларининг ортиши давом этди, бу чекланган товар ресурслари шартларида пулнинг қадрига эришилган ҳолатнинг кучайишига ва истеъмол бозорига вазиетнинг ёмонлашишига олиб келди. Саноат ишлаб чиқариши ўсиш суръатларининг секинлашуви давом этди. Сармоя соҳасида аҳоли яшилди. Қатор ишлаб чиқариш кўватлари, уй-жойлар ва кўпчилик ижтимоий хизмат кўрсатишга мўлжалланган объектларни фойдаланишга топшириш режаси бажарилди.

Вилоятнинг 1990 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши қуйидагича бўлди:

1990 йилдаги режа (енг унинг ҳисоб-китоби) (хўжалиқ нархлари)	1990 йилда амалда	
	Миллион сўмлик (хўжалиқ нархлари)	1989 йилда ҳисоб-китоб бўлиб (таққослашма нархлари)
Саноат маҳсулоти ҳажми X	3907	98,4
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариши (чакана нархларда)	1498,7	103
Шу жумладан:		
Озиқ-овқат маҳсулотлари	826,3	96
Алкоголлик ичимликлар	106,9	100,6
Нооziқ-овқат маҳсулотлари	565,4	116,4
Улардан енгил саноат моллари	231,5	106
Давлат марказлашган капитал маблағлари ва корхоналар ҳамда ташкилотларнинг фондлари маблағлари ҳисобига		
ишга туширилган асосий фондлар (смета қиймати бўйича)	746,9	X
Давлат капитал маблағлари (смета қиймати бўйича):		
марказлашган	392,5	X
корхоналар ва ташкилотлар фондлари маблағлари	348,6	X
Умумий фойдаланишдаги транспортда юк ташин (жўнатиш) — тонна	66,7	95,3
Умумий фойдаланишдаги транспортнинг пассажир оboроти — пассажир-километр	X	97,2
Халқ ҳужалиги бўйича олинган фойда	584,5	98,3
Халқ ҳужалиги бўйича ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи фонди	X	107
Давлат ва кооператив савосининг чакана товар оboроти	1869,2	110,3
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	264,0	106,4
Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига уй-жойларни фойдаланишга топшириш — миңг квадрат метр	689,9	106

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кўп погоналик шакллана бошлади, ҳужалиқ юртишнинг янги шакллари ривожланди. Қўшма ва ижара корхоналарининг сони ортди.

Ишлаб турган ширкатлар сони ўтган йилнинг шу давриданга нисбатан 12,6 фоиз ошди ва 1,3 мингтаги ташкил этилди. Бу ширкатларда, ўриндошлик асосида ишлаётган ҳам ҳисобга олинганда, сажам 46 миң киши меҳнат қилмоқда. Улар томонидан 364 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот сотилди ва хизмат кўрсатилди. Ишлаётганлар сони бўйича ширкатлар ўртасида қурилиш ширкатлари (42,0 фоиз) ва халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш бўйича ширкатлар (24,0 фоиз) кўпчилигини ташкил этади. Вилоят ширкатлари томонидан сотилган жами маҳсулот ҳажмининг (ишлар, хизматлар), ярмидан кўпроги улар уллушига тўғри келади. Ишлаб чиқариш-техникавий мақсадлар учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи ширкатлар жадал суръатлар билан ривожланди. Айни вақтда ширкатларнинг истеъмол бозорини маҳсулотлар билан мўл-кўл таъминлашга бўлган таъсири ҳали ҳам сустлигича қолмоқда. Деҳқончилик соҳасида иқтисодий ислохот жамоа ҳужалиқлари ва давлат ҳужалиқларида ҳужалиқ ичи ижара муносабатлари ва мустақил деҳқончилик ҳужалиқлари ташкил этиш билан бирга бормоқда.

Шахсий ёрдамчи ҳужалиқларни ривожлантириш мақсадлари жамоа ҳужалиқлари, давлат ҳужалиқлари ва матлубот кооперацияси билан қишлоқ ҳужалиқ маҳсулоти етиштириш ва ишлаб чиқариш тўғрисида шартномалар тузиш орқали меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашнинг янги турларини рағбатлантирадиган қарорлар қабул қилинди.

II. ИЖТИМОЙ РИВОЖЛАНИШ АҲОЛИ ВА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ

1991 йилнинг бошларида келиб аҳоли сони 2182,9 миң кишини ташкил этди. 1990 йил давомида аҳоли 19,5 миң кишига кўнади. Бу 1989 йилдаги нисбатан 14,4 миң киши камдир. Вилоятдан аҳолининг кўчиб кетиши қўлайиши ҳисобига аҳолининг ўсиши камайди. Ўтган йили 26,9 миң киши вилоятимиздан ташқарига, шу жумладан 3,1 миң киши СССРдан ташқарига кўчиб кетди.

1990 йилда аҳолининг ҳар миң киши ҳисобига туғилиш 29,4 ва вафот этиши 6,5 кишини ташкил этди. Вилоят меҳнат ресурслари 1 миллион нафардан ортиқ кишини ташкил этди. Халқ ҳужалигида 683,2 миң киши банд бўлди. Халқ ҳужалигида банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли сони 37 миң кишидан кўпроғини ташкил этди. Улардан ишсизлар сафига қўйилиши мумкин бўлган вақтинча меҳнат қилмаётган аҳоли тахминан 28 миң кишини ташкил этди, деб ҳисобланди. Шу билан бирга асосий ишлаб чиқариш тармоқларининг ишлаб турган корхоналарига 2,9 миң ишчи етишмапти. Бу ҳам худудий, ҳам касб бўйича мавжуд иш ўринлари ва ишчи кучи ўртасидаги номутоносиблик, аҳолини янги иш ўринлари билан нотекис таъминлашни билан изоҳланади.

1990 йилда меҳнатга жойлаштириш органларига 35,3 миң киши ишга қабул қилиш ёки иш жойини алмаштириш масалаларини ҳал қилишда ёрдам кўрсатиш ҳақида мурожаат қилди. Улардан 32,4 миң киши ишга жойлаштирилди. Кейта қуриш жараёнида бораётганлиги муносабати билан барча йўналишлар бўйича — мулкчиларнинг турли шакллари ўртасида, тармоқлар ва корхоналар ўртасида, шунингдек регионлар ўртасида ишчи кучи ҳаракати сезиларли даражада фаоллашди.

Ишчи кучининг давлат секторидан кооператив ва бошқа иқтисодий секторларга ўтиши таъминли қўлга келмоқда. Ўн иккинчи беш йилликда давлат ҳужалиқларида ходимлар сони деярли ўзгармади. Бироқ кооператив тармоқда иш билан банд бўлганларнинг ўртача йиллик ўсиши 4,3 фоизни ташкил этди. 1990 йилда меҳнат ресурсларининг 76,2 фоизини иқтисодийнинг давлат шўбасида, 23,4 фоизини кооператив шўбасида банд бўлди (1985 йилда бу кўрсаткичлар тегшишча 80,6, 19,4 фоиз бўлган эди).

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲИСОБОТ БОШҚАРМАСИНИНГ АҲБОРОТИ

Шуни таъкидлаш керакки, ширкат кордонлиги бўш меҳнат ресурслари ҳисобига жуда кам миқдорда ривожланмоқда. Асосан ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганларни қайта тақсимлаш ёки анча интенсив фойдаланиш ҳисобига (ўриндошлик) ривожланмоқда.

Иқтисодиётнинг яқна тартибга тушулбасида шахсий ёрдамчи ҳужалиқ кўпроғидир. Вилоятда шахсий ёрдамчи ҳужалиқни ривожлантириш мақсадларида кўшимча ер участкалари ажратилди. Жамоа ҳужалиқлари, давлат ҳужалиқлари ва матлубот кооперацияси билан қишлоқ ҳужалиқ маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш бўйича шартномалар тузиш билан меҳнатга лаёқатли аҳолининг банд бўлишининг янги турларини рағбатлантирувчи қарорлар қабул қилинди.

1990 йилда халқ ҳужалигида иш ҳақи фонди, ширкатлар ва жамоа ҳужалиқларида ишловчилар оладиган ҳақ ҳам шу ҳисобга кирди. 1,8 миллиард сўми ташкил этди ва 1989 йилдагига нисбатан 7 фоиз ошди. Давлат бюджетидан соғлиқни сақлаш ва социал таъминот, олий ўқув юрталари, маданият, кўмир саноати, темир йўл транспорт ходимлари ва айрим бошқа ходимлар иш ҳақини ошириш бўйича марказлашган таъинларга маблағлар ажратилиши иш ҳақи фондининг кўп даражада ошишига ёрдам берди. Кўп йиллик хизмати учун тўловлар қўлайди, шунинг йил якуни бўйича туланадиган муқофотлар ошди, бундай тўловларни йил охирида тўлаш ҳам шунга хизмат қилди.

Халқ ҳужалигида банд бўлган ишчилар ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи 1989 йилдаги 198 сўмдан 1990 йилда 217 сўмгача, колхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш 187,9 сўмдан 248,6 сўмгача ортди.

СССР жамғарма банкни муассасаларидаги аҳоли омонатлари 1991 йилнинг биринчи январига келиб 1109,0 миллион сўмга етди. Бу 1990 йилнинг бошларидагига нисбатан 136,6 миллион сўмлик кўпдир.

Буюмлар ва хизматлар нархи ошди.

Кўпчилик асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг (нон ва нон маҳсулотлари, ёғлар, баллиқ маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, туҳум, қанд-шакар, ёрма, макарон маҳсулотлари) давлат чакана нархлари ўзгармай қолди. Картошка нархи 8 фоиз, сабзавотники 2 фоиз, резавор-мевалар, мевалар, полиз экивларининг нархи 8 фоиз ортди.

Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдаги қийинчиликлар кўчайиши оқибатида шаҳар колхоз бозорларида нархлар даражаси анча тез суръатлар билан ошмоқда. Бу нархлар 1990 йилнинг декабрида 1989 йилнинг шу давридагига нисбатан 28 фоиз, шу жумладан, картошка ва узум 27—29 фоиз, гуруч — 40 фоиз, қуруқ мевалар ва янги қарам 1,6—1,8 баравар, пилёз ва цитруслар 1,7 баравар ортди. Чорвачилик маҳсулотларининг нархи 1,3 баравар, шу жумладан, товуқ нархи 21 фоиз, қуюқ қаймоқ, творог, туҳум 42—44 фоиз, асал кичи баравар, қўй гўшти ва шиллоқ 1,7 баравар, мол гўшти 1,8 баравар ва бошқа маҳсулотлар чакана нархлари ҳам кўтарилди.

Истеъмол бозоридagi зўриқш шароитлари оқибатида вилоятда халқ истеъмоли моллари билан чойғоччилик қилиш кенг қулоч ёвди. Ўтказилган тақинотлар шунки кўрсаткичи, айрим буюмларга бўлган чойғоч нархлари давлат чакана нархларидан бир неча баравар юқори бўлди. Гўшт нархи давлат чакана нархига нисбатан беш баравар ортиқ бўлди, чойғоч бозоридagi кофе ва чой нархлари 1,9—2,2 баравар ошди. Қийин эркаклар ва аёллар пальтолари, аёллар плащчи, хотин-қизлар колготкилари, эркаклар свитерлари, «Москвич» автомашинаси, видеомагнитофонлар нархи 2,7—3,0 баравар, эркаклар плащлари, эркаклар ботинкалари, аёллар жемперлари, қийин аёллар этиклари, ВАЗ автомашинаси 3,2—3,8 баравар, болалар колготкилари 4,2 баравар, ГАЗ-2410 автомашинаси 5,7 баравар ошди.

Алкоголлик ичимликлар билан чойғоччилик қилиш кенг қулоч ёвди. Чунотчи арақнинг ҳар бир шишаси қўлдан-қўлга 15—20 сўмдан, шампан vinosи 10—15 сўмдан, коньяк 25—30 сўмдан сотилди.

ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИ ВА ХИЗМАТ СОҲАСИ

1,5 миллиард сўмлик (чакана нархларда) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, бу олдинги йилдагига нисбатан 49,2 миллион сўмлик ёки 3,3 фоиз кўпдир. Маҳсулотнинг бутун ўсишига нооziқ-овқат буюмларини ишлаб чиқаришни қўлайтириш ҳисобига эришилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари (мева-сабзавот) маҳсулоти ва туҳум маҳсулотларининг бозор фонди ҳам ҳисобга кирди) 931,5 миллион сўмлик тайёрланди. Уларни ишлаб чиқариш 1989 йилдагига нисбатан 3,7 фоиз ёки 35,4 миллион сўмлик камайди.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1990 йилда ишлаб чиқарилиши	1989 йилда ишлаб чиқаришга нисбатан
Гўшт — миң тонна*	42	83
Колбаса маҳсулотлари — миң тонна*	31	95
Балиқ овлаш — миң тонна	9,0	113
Мол ёғи — тонна	80	138
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда — миң тонна*	87	102
Ўсимлик мойи — миң тонна*	32	94
Ҳандолат маҳсулотлари — миң тонна	50	100,3
Консервлар — шартли миллион банка	271	105
Шу жумладан, мева-сабзавотлиси	271	105
Минерал сувлари — миллион декалитр	2,7	89
Алкогoлсиз ичимликлар — миллион декалитр	6,1	99
Алкогoлди ичимликлар (абсолют алкогoлга айлантириб ҳисоблаганда) — миң декалитр	63,0	75
Бир йилда топшириладиган гўшт 5,1 миң тонна, колбаса маҳсулотлари 1,3 миң тонна, алкогoлсиз ичимликлар 5 миң декалитр кам берилди.		

1990 йилда 600,7 миллион сўмлик нооziқ-овқат буюмлари ишлаб чиқарилиб, бу 1989 йилдагига нисбатан 16,4 фоиз, ёки 84,5 миллион сўмлик кўпдир.

Давлат ресурслари хом ашёсидан қўлайди нооziқ-овқат буюмларини асосий турларини ишлаб чиқариш тўғрисидаги маълумотлар келтирилади:

	1990 йилда ишлаб чиқарилиши	1989 йилда ишлаб чиқаришга нисбатан
Трикотаж буюмлари — миллион сўмлик	1,5	87
Пайпоқлар — миң жуфт	407	97
Пойабзал — миллион жуфт	6,3	106
Шу жумладан — болалар учун (ЎзССР Енгил саноат вазирилиги)	6,2	113
Мебель — миллион сўмлик	58	122
Сувий ювиш воситалари — миң тонна	7,1	104
Шу жумладан, майда қадонлагани	7,1	104
Кир сувони — миң тонна	19	125
Чакана товар оboроти, аҳолининг пул даромадлари		

ортиши билан истеъмол бозорига қилинаётган таъин иқтисодиётнинг барқарорчилиги муносабати билан кескин кучайди ва истеъмол маҳсулотларини гамаб қўйиш учун уларни харид қилишнинг қўлайишига олиб келди. Бу чакана товар оboроти ҳажмига таъсир этди. У 1990 йилда (амалдаги нархларда) 10,3 фоиз, шу жумладан декабрь ойида 14,4 фоиз ошди. Йиллик ўсиш 183,9 миллион сўми ташкил этди, унинг учдан бир қисми моллар нархини ошириш ҳисобига таъминланди. Чакана товар оboротининг жами ҳажми 1972,3 миллион сўмлик ташкил этди ва белгиланган план топшириғидан 103,0 миллион сўмлик ошиб кетди.

Савдо жараёни бир маромада бориши учун товар ўтказуви тармоқда халқ истеъмоли молларининг муайян запаси сақланиб туриши керак. Ваҳоланки, ўтган йили запасларни савдога интенсив жалб қилиш жараёни давом этди. Уларнинг савдогаги ҳажми бир йилда 131,9 миллион сўмлик ёки 6,6 фоиз қисқарди.

Озиқ-овқат бозорига зўриқш муттасил кучайиб борди, эҳтиёж ва талаб кучайди, бу ўз навбатида деярли барча озиқ-овқат маҳсулотлари турларини гамаб қўйиш учун харид қилишга олиб келди. Натияжада бундай товарлар айримларини сотиш қўлайди. Чунотчи, ўсимлик мойини сотиш 1990 йилда 1989 йилдагига нисбатан 8 фоиз, маргарин 13 фоиз, баллиқ консервалари 28 фоиз, гўшт консервалари 25 фоиз кўп сотилди. Бу уларнинг чакана тармоқдаги запасларининг қисқаришига олиб келди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари кўпгина турларининг тақчиллиги уларни савдога етказиб бериш қонирарисиз аҳволда қилиб қўйди.

Молларни савдога етказиб бериш суръатларининг сустчилиги билан оboротининг ортиш суръатлари сезилмади олиб келди. Биринчи ярим йилликда чакана товар оboроти ҳажми 13,2 фоиз ортди, тўғрисида 10,2 фоиз, октябрда 9,8 фоиз, ноябрда 5,6 фоиз кўнади. Фақатгина декабрь ойида у 14,4 фоиз ортди.

Қўндалик талаб молларнинг йўқлиги уларни муайян миқдорда тақсимлашнинг анча кенгайишига олиб келди. Гўшт маҳсулотлари, шакар-қанд ва ювувчи воситалардан ташқари туҳум, ўсимлик мойи ва бошқа моллар ҳам шулар қаторига қўшилди.

Чакана товар оboротининг ўсиши кўп жиҳатдан нооziқ-овқат товарлари ҳисобига таъминланди. Бундай товарларни сотиш 13 фоиз ортди, бунда трикотаж буюмлари, кийимлар ва ички кийимлар, шунингдек пойабзал сотиш 20 фоиз, шойи газламалар сотиш 29 фоиз, гўшт 24 фоиз, кир сувони 30 фоиз, сувий ювиш воситалари 1,5 баравар кўнади.

Тамаки маҳсулотлари савдоси шу вақтгача изга солинган йўқ. Масалан, уларни савдога етказиб бериш 1989 йилдагига нисбатан 6 фоиз ёки 3 миллион сўмлик камайди, бунинг оқибатида вилоятда уларни сотишни нормаллаштириш жорий этилди, бундай савдо корхоналар ва ташкилотлар орқали амалга оширилмоқда.

Ўтган йили савдо енгил саноат молларини 1989 йилдагига нисбатан бир фоиз кам олди. Давлат режасига нисбатан савдога 7 миң жуфт пойабзал, 2 миллион сўмлик пайпоқ, 1 миллион сўмлик ир газламалари ва 2 миллион сўмлик трикотаж буюмлари кам етказиб берилди.

Савдода аёллар халатлари, туниги қўйлақлар, пайпоқлар, чойшаб-ёстиқ авралар, кўриналар ва бошқа моллар амалда йўқ. Аҳолини пойабзал, газламалар, айниқса, болалар ассортиментидagi ва кенс ёшдагилар учун товарлар билан таъминлаш яшилди.

Савдога маҳсулот етказиб беришининг камайиши оқибатида енгил саноат молларини товар оboротига жалб қилиш давом этмоқда.

Маданий-маънавий ва уй-рўзгор моллари савдоси ҳамон қонирарисиз аҳволда қолмоқда. Радиопрёмиялик қурилмалари сотиш 2 фоиз, совутичлар ва музлаткичлар сотиш 2 фоиз камайди. 1991 йилнинг 1 январига келиб ўтган йилнинг шу санасидagi нисбатан савдогаги радиопрёмиялик қурилмаларининг запаслари икки баравар, совутичлар ва музлаткичларники 1,2 баравар, телевизорларники 3,1 баравар қисқарди.

Бинокорлик материаллари сотиш қўлайишига қарамай аҳолини шуғуллаш материаллари билан таъминлашда айтарлиқ яхшиланган бўлмади. Магазинларда ҳамон немент шифер, дераза ойнаси, юмшоқ ёпғичлар, линолеум, гулгозорлар, қопчилар, арашатиричлар, унитазлар, раковиналар, бўёқлар, миҳлар, сув-газ қувурлари ва бошқа шу каби материалларнинг кескин тақчиллиги сезилмоқда.

Пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 249,2 миллион сўмликни ташкил этди. Бу 1989 йилдагига нисбатан 15,1 миллион сўмлик ёки 6,4 фоиз кўпдир. Махаллий Кенгашлар ижроия комитетлари томонидан 1990 йил учун белгиланган режа 94,4 фоиз қилиб бажарилди. Режадан 14,7 миллион сўмлик кам хизмат кўрсатилди. Аҳолига маънавий хизмат кўрсатувчи корхоналар 79,5 миллион сўмлик хизмат кўрсатди, белгиланган режа 98,5 фоиз қилиб бажарилди.

УЙ-ЖОЙ ВА ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ҚУРИЛИШ Вилоят аҳолиси маблаг билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий майдон 676,1 миң квадрат метр сахна 8,7 миңга янги шинам хонадонлар олди. Бу олдинги йилдагига нисбатан беш фоиз кўпдир. Яқна тартибда уй-жой қурилиши ҳажми ошди. Унинг уй-жойларни фойдаланишга топширишига уллуши 1989 йилдаги 42 фоздан 1990 йилда 52 фозгача етди.

Шу билан бирга давлат маблағлари ҳисобига уй-жойларни фойдаланишга топшириш йиллик топширини бор — йўти 82 фоиз қилиб бажарилди. Давлат маблағлари ҳисобига уй-жой қурилиши бўйича йиллик дастурни бажариш Чирчиқ шаҳрида, Галаба, Калинин, Оржоникидзе, Паркент, Урта Чирчиқ, Янгийул ноҳияларида нихотда орқад қолди.

Кооператив уй-жой қурилиши суст олиб борилди. 1990 йилнинг охирига келиб аҳолининг уй-жой билан таъминланиши 12,3 квадрат метрни, шу жумладан шаҳарларда 13,5 квадрат метрни, қишлоқ жойларда 11,3 квадрат метрни ташкил этди.

Амалга оширилган таъбирлар натижасида қишлоқ жойларда аҳоли манзилгоҳларини тармоқга газ билан жаллаштириш даражаси бирмунча ошди. Маблаг билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 15,7 миң қувуви ўрни бўлган умумий таълим мактаблари, 3,8 миң ўринлик мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, 765 ўринли касалхоналар, ҳар сменда 583 беморни қабул қилишга мўлжалланган амбулатория — шифохона муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа иморатлари фойдаланишга топширилди.

Вилоятда давлат маблағлари ҳисобига ижтимоий соҳа иморатларини фойдаланишга топшириш йиллик топширини барбод этилди. Бундай иморатлар Бекобод, Урта Чирчиқ районларида ва Ангрэн шаҳрида қонирарисиз қурилди.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ

Вилоят ўқув юрталарида 516 миңдан ортиқ киши таълим олмоқда ва малакасини оширмоқда.

Ўтган ўқув йилидаги каби қўлузги умумтаълим мактабларида ҳар тўрт ўқувчининг бири иккинчи сменда ўқимოқда. Мактабларда ва мактабга ёшдаги болалар муассасаларида олти ёшда 23,1 миң бола биринчи синф дастури бўйича ўқитилмоқда.

Олий ўқув юрталари 2,8 миң ва ўрта махсус ўқув юрталарида 7,6 миң киши қабул қилинди. Бу 1989 йилдагига нисбатан бир фоиз кўпдир: Корхоналар (ташкилотлар) ва олий ўқув юрталари ўртасида тузилган шартномалар асосида қўлузги бўлимларда 1,4 фоз студент ўқимоқда. Олий ўқув юрталари студентларининг сони 16,8 миң кишини ташкил этди. Бу олдинги ўқув йилидагига нисбатан 0,2 миң киши камдир, ўрта махсус ўқув юрталаридаги талабалар сони 21,1 миң кишини ташкил этди ёки олдинги йилдагига нисбатан 3,3 миң кишига камайди.

Вилоят аҳолисида китоб фонди деярли 11 миллион нусха бўлган 884 та кутубхона ва салкам 485 та клуб муассасаси хизмат кўрсатмоқда.

АТРОФ-МУҲИТНИНГ АҲВОЛИ

Табиати муҳофаза қилиш таъбирлари амалга оширилганга қарамай вилоятнинг айрим шаҳарлари ва саноат марказларидаги экологик аҳвол ҳамон кескинлигича қолмоқда.

1990 йилда (дастлабки маълумотларга қараганда) вилоятдаги қатор корхоналар ҳаво ҳавзасига зарарли моддалар чиқаришни қўлайтирди.

1990 йилда сув ҳавзаларида яллисига авар

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ 1990 ЙИЛДАГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Комплексад ҳақон давом эътибор кескин аҳвол замонавий кимёвий материаллар ва буюмларнинг танқислигига олиб келмоқда, халқ ҳўжалигининг қатор тармоқларини ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Асосий кимёвий хом ашё маҳсулотини ишлаб чиқаришнинг кимёвий давом эътибор. Олтингувурт қислотаси ишлаб чиқариш 5 фоиз қисқарди. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш учун кимёвий хом ашё — сунъий смола ва пластмассалар тайёрлаш камайди. Олмалик кимё заводи минерал ўғитлари ишлаб чиқариш 1989 йилдагига нисбатан камайитириб юборди. Маҳсулот етказиб бериш интизоми ўтган йилдагига нисбатан ёмонлашди. Чирчиқдаги «Электрхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулот етказиб бериш режасини ундамади.

ВИНОҚОРИКЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ Саноати

	1990 йилда ишлаб чиқариш		1989 йилда ишлаб чиқариш	
	1990 йил	1989 йил	1990 йил	1989 йил
Асбест-цемент тахталар (шифер) — шартли миллион плита	272	111		
Асбест-цемент қувурлари ва халқалари — шартли минг километр	2,3	100,4		
Линолеум — миллион квадрат метр	5,6	108		

Қурилиш индустрияси корхоналари иморатбон гишт, йиғма темир-бетон конструкциялари ва буюмлари, қосиқкор керамика плиталарини режалаштирилган ҳажмларда ишлаб чиқарилишини таъминламаяпти.

ДЕҲҚОНЧИЛИК-САНОАТ КОМПЛЕКСИ

Вилоят қишлоқ ҳўжалигига 1990 йилда маҳсулот еттиштирилгани назарда тутилган даражада ўстиришга эришилди. Масалан, ялли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш йиллик режаси (солиштирма нархларда) фақат 87,1 фоиз қилиб бажарилди. Унинг еттиштирилиши 1231,5 миллион сўмликни ташкил этди.

Полиэтил акриллар, мевалар ва резавор мевалар еттиштириш 1989 йилдагига нисбатан қўлайди. Пахта экиладиган майдонлар 5,2 минг гектар қисқарганили учун пахта хом ашёсини еттиштириш (харид қилиш) 1989 йилдагига нисбатан қисқарди.

Барча тоифадаги ҳўжаликларида асосий қишлоқ ҳўжалик экинлари маҳсулотининг йиғиб олинган ялли ҳўсий қуйидагича бўлди (минг тонна):

	Вир йилда ўрта ҳисобда			
	1981—1985 йиллар	1986—1990 йиллар	1989 йил	1990 йил
Барча доғли экинлар	232,7	173,7	168,5	168,2
Шу жумладан:				
— шили	44,4	49,1	54,0	50,0
— дон учун макмажўхори	136,9	61,3	61,2	52,3
— пахта хом ашёси	41,4	395,4	395	373,2
— картошка	119,3	78,2	81,7	60,8
— сабаотлар	620,8	610,3	617,3	588,6
Озиқ-овқат учун полиз экинлари	56,9	55,7	58,9	63,2
Мевалар ва резавор-мевалар (цитрус меваларидан ташқари)	173,6	91,5	54,9	100,4
Узум	92,5	92,7	40,4	121,0

Асосий қишлоқ ҳўжалик экинларини еттиштириш бирмунча қўлайганига қарамай дон, картошка, сабаот, озиқ-овқат учун полиз экинлари, узум, мева ва резавор мевалар еттиштириш бўйича давлат буюртмалари бажарилмади.

Ялли ҳўсий бўйича режанинг бажарилмаслиги оқибатида давлат дон сотиш бўйича давлат буюртмаси 35,2 фоиз, картошка бўйича 40 фоиз, ялли мева ва резавор мевалар бўйича 23,6 фоиз бажариллиши таъминланмади.

Умуман вилоят бўйича дон экинларининг ҳўсийдорлиги (дастлабни қабул қилинган вазнда) ҳар гектардан 1989 йилдаги 34,2 центнер ўрнига 25,2 центнерни ташкил этди. Картошка бўйича 79 центнер ўрнига 64 центнерни, сабаотлар бўйича ўтган йилги даражадаги 218 центнерни, озиқ-овқат учун полиз экинлари бўйича 142 центнер ўрнига 165 центнерни, пахта бўйича 28,7 центнер ўрнига 28,1 центнерни ташкил этди.

Оҳангарон, Паркент, Пискент, Чиноз ва Янгийўл районлари ҳўжаликларида дон харид қилиш ўтган йилдагига нисбатан қўлайди.

Оҳангарон, Бўстонлиқ, Бўка, Коммунистик, Оржоникидзе, Паркент, Урта Чирчиқ ва Янгийўл районларида давлат томонидан харид қилинган картошка 1989 йилдагига нисбатан камайди. Бекобод, Коммунистик, Урта Чирчиқ ва Янгийўл районларидан ташқари барча районларда сабаот харид қилиш, Бекобод, Бўстонлиқ, Ғалаба, Коммунистик районларида озиқ-овқат учун полиз экинлари харид қилиш 1989 йилдагига нисбатан камайди.

1991 йил ҳўсийи учун замин тайёрлаш ишлари амалга оширилди. 234,4 минг гектар ер шудгор қилинди, 30,1 минг гектар ерга қузи дон, шу жумладан 28,3 минг гектар ерга дон учун экилди.

Барча тоифадаги ҳўжаликларида асосий қорвақлик маҳсулотларини етиштириш қуйидагича бўлди (минг тонна):

	Вир йилда ўртача			
	1981—1985 йиллар	1986—1990 йиллар	1989 йил	1990 йил
Гўшт (сўйилган вазнда)	58,2	66,1	70,6	68,8
Сут	355,3	389,3	401,1	405,5
Тухум — миллион дона	515,1	676,3	680,4	660,0

1990 йилда аҳоли жон бошига маҳсулот еттиштириш гўшт бўйича — 16 килограмм, сут бўйича — 94 килограмм ва тухум бўйича 153 донани ташкил этди.

Барча тоифадаги ҳўжаликларида қорвақлик маҳсулотларини харид қилиш қуйидагича бўлди (минг тонна):

	Вир йилда ўртача			
	1981—1985 йиллар	1986—1990 йиллар	1989 йил	1990 йил
Чорва ва парранда (тирик вазнда)	57,5	60,8	53,8	
Сут	165,1	170,2	166,1	
Тухум — миллион дона	456,2	474,9	451,9	
Ҳўн (соф толага айлантирилган) — тонна	1253	1236	1235	
Пилла — тонна	2106	1404	2066	

Қишлоқ ҳўжалик корхоналарида қорвақлик кўп миқдорда нобуд бўлиши қорвақлик маҳсулотларининг анчагина йўқолишига сабаб бўлмоқда. Чунки бир йилда жамоа ва шўро ҳўжаликларида умуман вилоят бўйича молларнинг нобуд бўлиши қуйидагича бўлди: 1028 бош ёки пода оборотига нисбатан 0,6 фоиз қорамол, 38037 бош (72,1 фоиз) чўчқа, 4997 бош (1,9 фоиз) қўй ва эчки нобуд бўлди.

Чорва сонининг ўзгариши қуйидагича бўлди (1 январьгача, минг бош):

	Барча тоифадаги ҳўжаликларида		Шу жумладан аҳолида	
	1990 йил	1991 йил	1990 йил	1991 йил
Қорамол	392,5	376,8	191,2	184,4
Шу жумладан:				
— сиғирлар	154,6	154,9	98,1	99,7
— қўчалар	241,0	208,5	5,8	5,8
Қўй ва эчкилар	541,3	552,1	230,5	218,4

Бўка районидagi жамоа ва шўро ҳўжаликлари ҳамда ҳўжаликларида қорамолларда қорамоллар, шу жумладан сиғирлар сонининг, Коммунистик, Бўстонлиқ ва Ғалаба районлари ҳўжаликларида чўчаларнинг, Оққўророн, Оржоникидзе, ва Бўка районларида қўй ва эчкилар сонининг анча камайишига йўл қўйилди.

Вилоят жамоа ва шўро ҳўжаликларида ҳар бир сиғирдан йил давомида солиб олинган ўртача сут миқдори 3027 килограммни, ҳар бир товуқдан олинган тухум миқдори 203 донани ташкил этди.

Чорвани озуқа билан таъминлаш жуда паст даражададир. Чунки 1990 йилнинг 1 декабригача жамоа ҳўжаликлари, шўро ҳўжаликлари ва ҳўжаликларида қишлоқ ҳўжалик корхоналарида 299,2 минг тонна ёки режа топширигига нисбатан 91,8 фоиз озуқа бирлиги тайёрланган. Шартли ҳар бир чорва боши учун (ем сифатида берилган дондан ташқари) топшириқда назарда тутилган 17,5 центнер ўрнига 16,6 центнер озуқа бирлиги тайёрланган. Бўстонлиқ ва Бўка районлари ҳўжаликларида чорвани озуқа билан таъминлаш иш ёмон аҳволда.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1990 йилда маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига (ҳисобга олинган соҳалар бўйича) 733,6 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 556,3 миллион сўмлик асосий фондлар ишга туширилди. Давлат капитал маблағларининг жами ҳажмида корхоналар ва ташкилотларнинг ўз маблағлари улуши 48 фоизни ташкил этди.

Мавжуд ишлаб чиқариш аппаратини техникавий жиҳатдан қайта ускуллаш ва реконструкция қилиш кўллари қисқарди. Шу мақсадлар учун 176,4 миллион сўмлик давлат капитал маблағлари фойдаланилди.

1990 йилда капитал қурилишининг назарда тутилган режа топшириқларидан муттасил орада қилиши янада қўлайди. Давлат капитал маблағлари ҳисобига (ташкилотлар ва корхоналарнинг режа сармоси бўйича) асосий фондларни ишга тушириш йиллик топшириги 58 фоиз қилиб бажарилди.

Давлат корхоналари ва ташкилотлари капитал маблағлар лимитини 87 фоиз ўзлаштирилди, шу жумладан, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан сармос билан таъминлаш лимити 89 фоиз қилиб бажарилди.

Мухим ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш дастури барбод этилди.

Давлат буюртмасидаги 7 та объектдан 5 таси фойдаланиш учун қабул қилинди. Қурилишда ишларнинг бундай аҳоли кўп жиҳатдан қурилиш дастурининг моддий ресурслар билан номуносиблиги, қурилишларини моддий-техника таъминотидаги барқарорлиқ билан исхотланди. Давлат буюртмаси бўйича фойдаланишга топширилган қувватлар ва объектлар орасида Узбекистон металлургия заводида қора металл прокати, Оҳангарондаги «Стройпластмасса» комбинатда линолеум, Ангрэн кўмир разрезда кўмир қазиб чиқариш бўйича ва бошқа қувватлар бор.

Вилоят қурилиш-монтаж ташкилотлари томонидан бажарилган пудрат ишлари ҳажми 8,1 фоиз, меҳнат унвдорлиги 2,9 фоиз камайди.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

1990 йилда умумий фойдаланишдаги транспортда юк жўнатиш 1989 йилдагига нисбатан 4,7 фоиз камайди ва 67,7 миллион тоннани ташкил этди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲИСОБ БОШҚАРМАСИ

Темир йўл транспорти билан 29,6 миллион тонна юк жўнатилди. Бу 1989 йилдагига нисбатан 1,0 фоиз камдир. Темир йўл транспорти юк жўнатиш йиллик режасини 100,9 фоиз қилиб бажарди. Давлат буюртмаси номенклатурасидаги 12 та гуруҳдан цемент, тошкўмир, минерал ўғитлари жўнатиш режасининг бажарилиши таъминланмади. Минерал ўғитлари жўнатиш 1989 йилдагига нисбатан 32,7 фоиз, цемент бўйича 2,6 фоиз камайди.

Автомобиль транспортида юк ташини ўтган йилдагига нисбатан 7,3 фоиз камайди ва 38,0 миллион тоннани ташкил этди.

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг барча турлари бўйича пассажир оботи (темир йўл ва автомобиль транспорти) 2,8 фоиз камайди ва 5441,9 миллион пассажир-километрини ташкил этди. Темир йўл транспортида пассажир оботи йиллик режаси 96,4 фоиз, автомобиль транспортида 99,6 фоиз қилиб бажарилди.

Умумий фойдаланишдаги транспортда 424,7 миллион ёки ўтган йилдагига нисбатан 98,9 фоиз йўловчи ташинди, шу жумладан автомобиль транспортида 395,3 миллион йўловчи ташинди ёки режа 99,7 фоиз қилиб бажарилди.

Автобуслар ва енгил таксимоторларда йўловчилар ташинишдан 63,7 миллион сўмлик даромад олинди. Бу давлат режасидан 0,6 миллион сўмлик ёки 1,0 фоиз кўпдир.

Алоқа корхоналари 1990 йилда аҳолига 12,2 миллион сўмлик ёки 1989 йилдагига нисбатан 6,7 фоиз кўп хизмат кўрсатди. Режа 103,0 фоиз қилиб бажарилди.

ТАШКИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ

1990 йилда вилоят корхоналари ва ташкилотлари ташки иқтисодий фаолиятининг (ривожланиш) давом этди. Шу даврда чет элга чиқарилган маҳсулот ҳажми ички нархларда 125,0 миллион сўмликни ташкил этди. Шартнома мажбуриятлари 91,9 фоиз қилиб бажарилди.

	минг сўмлик	
	1990 йилда етказиб берилиши назарда тутилган	1990 йилда амалда етказиб берилди
Чет элга маҳсулот етказиб бериш — жами	136093,2	125009,0
Машиналар ва асбоб-ускуналар	251,2	251,2
СССРнинг техникавий ёрдами билан чет элларда қуриладиган объектлар учун асбоб-ускуналар ва материаллар	8564,9	8560,2
Бутловчи буюмлар	1339,1	1339,1
Ўтган йилларда етказиб берилмаган юклар ўрнини қоплаш ҳисобига	—	3263,2

Чет элга маҳсулот чиқаришда асосий улуш хом ашё ва материалларга тўғри келади.

Вилоят ҳудудига учта қўшма корхона ишлаб турибди. Бу Совет — Венгер «Интермет» корхонаси бўлиб, у ўзининг маҳсулотини ички бозорда сотмоқда. «Совестротекстиль» қўшма корхонасида жинси газламасидан шимлар, курткалар, юбкалар тикилмоқда. Совет — Австралия «ТИН» қўшма корхонаси Болгарияга ва мамлакат ичига саёхатлар ташкил этади.

Олмалик кон-металлургия комбинати ва Олмаликдаги «КПСС XXVI съезд» номли химия заводи мол алмашиш (бартер савдоси) асосида халқ истеъмоли моллари олмақдалар.

СССР ВАЗИРЛАР КАБИНЕТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

кегланни кескин таъкидлади. Йилнинг дастлабки икки ойида ишлаб чиқариш ва миллий даромад пайсиди. Бу муаммолар нефть қазиб олиш ҳамда уни ички ва ташқи бозорга етказиб бериш ҳажмлари камайиши муносибати билан, айниқса, ўткирлашмоқда. Айни пайтда жаҳон бозорда нефтининг нархи кескин тушиб кетмоқда.

Ҳўжалик алоқалари бузилганлиги — иқтисодиётда муаммолар кескинлашиб бораётганининг асосий сабабларидан биридир. Барча қатнашчиларнинг нуқтаридан ана шу фикр айтилди. Марказ ҳам, республика ҳам, вилоят ҳам, район ҳам корхоналарга маҳсулотни қаредга етказиб бериш тўғрисида буйруқ берилган мантиққа зид вазиет таркиб топди. Бунга мутлақо йўл қўйиб бўлмади. Қўшма иштиқорлар ҳозир мамлакатда моддий неъматларни ишлаб чиқариш билан эмас, балки уларни тақсимлаш, бўлиб олиш билан кўпроқ шугулланишга ўтишгани айтилди.

Вужуда келган вазиетда, айниқса, кичик республикаларга қийин бўлмоқда. Таъкидлаб ўтилганидек, катта республикалар уларнинг манфаатларига зарар етказган ҳолда келишиб олмоқдалар, мажбур қатор-қаторлар билан ярғ қатор-қаторлар билан ярғ тузилмалар ташкил этишга уринмоқдалар. Саноятнинг, халқ ҳўжалиги бошқа тармоқларнинг иш шартини қийинлаштираётгани тўғрисида молиявий системада номуносиблик кучаймоқда.

Шундай шартда баъзи сиёсий кучлар ўзларининг гаразли манфаатлари йўлида хатарли ҳатти-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар ва хусусан одамларнинг манфаатларига қарши оқибатларга олиб келадиган иш ташлашларга даъват этмоқдалар.

Республикаларнинг раҳбарлари асосан эътиборини ишлаб чиқаришнинг янада пасайишига йўл қўйиб бўлмади.

Маслига қаратдилар. Ҳозир барча кучларни ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтиришга, фан-техника тараққиётига, ҳар бир жойда иш самардорлигини оширишга қаратиш керак. Фақат шундай қилгандагина иқтисодиётни танг ҳолатдан олиб чиқиш, мамлакатни четдан мол харид қилишга қарамликдан халос этиш мумкин. Айни вақтда экспорт таркибининг яна бир бор қайта кўриш керак: мамлакат учун гоёт зарур бўлган маҳсулот чет элга сотилмоқда, натижада ички бозорнинг барбод бўлиши кучаймоқда.

Норхоналар ва базаларда товар-моддий бойликларнинг жуда катта захиралари тулланиб қолганлиги ҳам айтаётган. Ортиқча молларни сотишни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш кераклиги таъкидланди.

Мажлис қатнашчилари муаммоларни ёски маъмурий усуллар билан эмас, балки бозор сари изчил ва жадал ҳаракат қилиш орқали ҳал этиш мумкинлигини кўрсатиб ўтдилар. Ҳозир биз кучларни жамлаб, маъқени мустаҳкамлашимиз, бозор системасига ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг тула мустақиллигига ва масъулятига бўлишига ўтиш учун шарт-шароит яратимиз.

Бутунги кунда қийинчиликларни фақат республикалар ва марказ бирликда ўзлари ўртасида энг мақбул алоқаларни йўлга қўйиб, ҳал этишлари мумкинлиги айтаётган.

Мажлисда асосий эътибор республикалар билан СССР Иттифоқи ўртасидаги иқтисодий битимлар бутун мажмуини рўйбга чиқаришнинг таъсирчан воситаларини вужудга келтиришга қаратилди. Бозорга ўтиш чоғида таркиб топган ҳўжалик алоқаларини сақлаб қолишга, корхоналар, шунингдек мамлакат минтақалари ўртасида маҳсулотнинг эркин ҳаракат қилишига энг кўп даражада кўмаклашиш гоёт муҳим вазибалардан бири эканлиги таъкидланди.

таъкидланди. Озиқ-овқат ва ашёвий моллар, ёқилги ва энергия етказиб беришга онд мажбуриятлар сўзсиз бажарилиши тўғрисида бир қанча республикалар раҳбарларининг билдирган фикрлари маълумот учун қабул қилинди.

Мажлис қатнашчилари молиявий масалаларга, бюджетта ва иқтисодиётни барқарорлаштиришнинг бюджетдан ташқари фондларга бир хил ёндашувлар ҳаётини зарур эканлиги тўғрисидаги фикрни маълумлади. Улар нарх белгилаш соҳасида келишиб олинган сиёсат тўғрисидаги масалани энг муҳим масала деб билдилар.

Ҳўжалик алоқаларини барқарорлаштириш юзасидан ташкил этиладиган комитетта 10 кун мудат ичиде иқтисодий билан рўйбга чиқаришда хал этилмаган масалаларни узил-кесил бартарф этишга онд шопилинч чоралар кўриш вазифаси топширилди. Бунда озиқ-овқат етказиб бериш, баҳорги экин ишлашига таъйиғарлик кўриш ва қурилишдаги аҳвол билан боғлиқ муаммоларга асосий эътибор қаратилди. Мажлис давомида тақдим этилган тақлифларни федерация кенгашида кўриб чиқишга қарор қилинди.


СССР Президенти М. С. Горбачев муҳомамага яқун ясади.

Мажлисда СССР Бош вазири В. С. Павлов нуқ сўзлади.

(ТАСС).

Олмалик текувчилик фабрикаси болалар ва усмирлар учун кийим-кечаклар тикишга ихтисослашган. Унинг маҳсулотига эҳтиёж катта. Шунинг билан бундан кўриб берилади. Бу ерда қўлай иш шартлари яратилган. Ушбу суратларда текувчилик цехининг умумий қурилиши (пасда). Шу цех илгор чеварлардан Зухра Умарова ва Собира Воймақуловалари кўриб турибди. (юқорида).

Суратқаш В. ТҒАЕВ.



МАНФААТЛАРИНИНГ МУШТАРАКЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қардош республикаларнинг самарали ҳамкорлиги мисоли сифатида Тошкент ва Чимкент вилоятлари ўртасидаги алоқаларнинг муваффақиятли ривожланишига эришилди. Эндиликда омскилик дўстларининг яқин ҳамкорлиги қилиш истганини исхотланди.

Шунингдек шартнома консерва саноятининг қўшма корхоналарини барпо этишни ҳам назарда тутди. Қайта ишлаш бўйича зарур қувватларнинг йўқлиги оқибатида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотининг анчагина қисми нобуд бўлмоқда. Сибирликлар билан ҳамкорлик ва нобудгарчиликни камайитириш имконияти беради. Бу ерда шунинг ҳам назарда тутилган кераки мева-сабаот маҳсулотларини консервация бўйича кичик ихтисослашган корхоналарни барпо этиш бизга меҳнатта лаяқатли аҳолининг бир қисминини ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилишда ёрдам беради. Визинг меҳнат ресурслари ортиқча бўлган регионимизда бу муҳим аҳамиятга эгадир.

Шунингдек шартнома консерва саноятининг қўшма корхоналарини барпо этишни ҳам назарда тутди. Қайта ишлаш бўйича зарур қувватларнинг йўқлиги оқибатида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотининг анчагина қисми нобуд бўлмоқда. Сибирликлар билан ҳамкорлик ва нобудгарчиликни камайитириш имконияти беради. Бу ерда шунинг ҳам назарда тутилган кераки мева-сабаот маҳсулотларини консервация бўйича кичик ихтисосла

Ибратли анъаналар

АЁЛЛАР БАЙРАМИ АРАФАСИДА

ҲАЁТИМИЗ аёллар, мунис-мехрибон оналар билан гўзал. Уларсиз бу дунёда яшашдан маъно қолмайди. Утган шанба кунини вилоят партия кўмитасида бўлиб ўтган тантана ҳам ана шу мўътабар аёлларимизни шарофат-лашга бағишланди. Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан вилоят партия кўмитаси ва хотин-қизлар Кенгаши биргаликда ташкил этган бу кечага шаҳар ва районлардаги энг ҳурматли ва эътиборли хотин-қизлар, муқтарам онахонлар ташриф буюрдилар.

Вилоят хотин-қизлар Кенгаши раиси Дилбар Ғуломова йиғилганлари гўзаллик ва нафосат байрами билан, шунингдек, кетма-кет келадиган Наврўзи айм билан қутлади. — Кейинги пайтларда,— деди Д. Ғуломова,— республикада хотин-қизлар турмушини энгиллаштириш, кўп болали ва қаҳрамон оналарга раҳм-муҳаббатни кўрсатиш борасида бир-мунча яхши ва ҳайрли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят Советида оналик ва болалиқни муҳофаза этиш бўлими иш бошлади. Кунини кеча Ўзбекистон ССР Вазирлар маҳкамаси ҳузурда республика хотин-қизлар кўмитаси ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Энди республикада хотин-қизлар ҳаётига чуқурроқ кириб бориш, улар дуч келадиган иқтисодий, жинсий муаммоларни энгилроқ ҳал этиш, турмуш ва меҳнат шартларини яхшилашга эътиборни янада кучайтириш имконига эга бўламиз.



Суратларда: тантанадан лавҳалар. Сураткаш В. ТУРАЕВ.

МЕҲР-ШАҒҚАТ ВА ҲАЙРИЯ

ЭЗГУЛИКНИ АСРАНГ!

Инсоф йўқолмасин, ўранг мустаҳкам, То уни юзасидан этмасин хароб. Эзгуликни асранг, оламда у ҳамб...

Абдулла ОРИПОВ.

Дўппини қўлга олиб ўйлаб қарасам, бушаб қолаётган фақат дўкон пештахталари эмас экан. Вужудимизни тўлдириб, бизни шариф атувчи инсоний туйғулар ҳам аста-секин қалбимизни тарқ қилиб кетаятган экан. Нексалар фотиҳага қўй очиб: «Йллоҳи, меҳру оқибатли бўлайлик, имонимиздан айирмасин», дейдилар. Ҳа, улар бу дуони кейинги йилларда ҳавотир билан айтишлари бежиз эмас.

Ҳа, улар бу дуони кейинги йилларда ҳавотир билан айтишлари бежиз эмас. Шукроналар бўлсинки, имони ўйлаб, меҳру оқибат туйғуларини ёдга олиб иш тутишни ўрганоқдамыз — ажодлар аянғанасига қайтмоқдамиз. Зеро, қадим-қадимдан ночор, бемор, кенса одамларни бориб кўриш, уларга баҳоли қудрат кўмаклашиш одат эди. Бу одат ҳаётимизга қайтмоқда. Йўн, ансинча, биз боболар удумига қайтмоқдамиз.

Шундай қадимий одат бўйича 3-март — халқаро хотин-қизлар кунини арафасида Янгиёул шаҳрида меҳр-шафқат ва ҳайрия кечаси ўтказилди. 3-турар жой мавзеси жамоатчи хотин-қизлар кен-

гашининг ташаббуси шаҳар фирқа кўмитаси ва хотин-қизлар кенгаши томонидан қўллаб-қувватланди. «Мар-ҳаб» қаҳвахонасида зиёфат уюштирилиб, кам таъминланган оналардан қаровчиси йўқ, ночор ва кенса онахонлардан юзга яқин киши таклиф қилинди.

Кечада Янгиёул шаҳар фирқа кўмитаси котиби Ш. Қорабев, шаҳар ижроқўми раиси Э. Йўлдошев, хотин-қизлар кенгаши раисаси Д. Ҳасанова, халқ депутатлари шаҳар кенгашининг хотин-қизлар масалаларини бўйича доимий комиссия раисаси М. Нуриддинова ва халқ де-

путатларидан З. Урмонов, Б. Мирзаалiev, Б. Йивушкин иштирок этиб, йиғилганлари 8-март байрами билан таъриқландилар.

17-мактаб ўқувчиларидан Н. Хошимова, У. Назирова, Л. Животова, В. Намолов Уларга таяёрлаб келган қўшиқ ва рақсларни ижро этиб барчани ҳушнуд қилдилар.

Кеча сўнгиде онахонларга совғалар топширилди. Бу байрамда меҳр-шафқат ва ҳайрия кечасида онахонлар юзидеги миннатдорчилик кўзларидан секин ёши бўлиб тўкилатганлигини кўриб, қаттиқ ҳаяжонга тушдим. Бор овозим билан одамларни қайта-қайта ҳайқиб дўнаётган сари, оқибат сари чорлагим келди. Шонр куюниб ёзган сатрлар ҳаёлимда эзган ураверди:

Инсоф йўқолмасин, ўранг мустаҳкам, То уни юзасидан этмасин хароб. Эзгуликни асранг, оламда у ҳамб... Оқибатни асранг, оқибат тўғ...

Айниқдай қайдадир тоғмасини кавб. Ҳаёин асрангга, қуймасини ҳаё Оташга дуч келган подонин инсоф... Виждонин асрангиз ҳар недан ортиқ Ягона заминни асрагансизмон.

Боболардан қолган ноёб бу тортиқ Тонин аюлларга етолсин омон...

Дилмурод САИДОВ. «Тошкент ҳақиқати»нинг ўз муҳбири.



Меҳр-шафқат ва ҳайрия кечасида ушбу лавҳаларни сураткаш Даврон АҲМАД олиб қайтди.



СИГИР СУРКАЛАДИГАН УСТУН

АВСТРАЛИЯЛИК фермер Роберт Сэлппо шундай бир устун яратдики, сигир унга сурканганда роҳат қилиш қатори наф ҳам қиради. Бу устун баландлиги икки-уч метрни мустаҳкам пўлат қувур бўлиб, ерга тик қилиб бетонлаштирилди. Қувурнинг ўртасига йўғон арқон ўраб қўйилди. Юқорисиде репелент билан тўлдирилган идиш ўрнатилди, бу суюқлик Австралияда кенг тарқалган ва биздаги сўна каби чорванинг тинчини бузадиган новвос пашшасига қарши ишлатилади. Репелент пилик орқали ўраб қўйилган арқонга оқиб туради, устун тагида у йиғилган идиш ҳам бўлади. Ундан қайта фойдаланиш учун шундай қилинган.

Сигир бикинини устунга ишқалаганда ўралган нам арқон орқали баданга репелент сурлади. Бу иxtиро кишлоқ ҳўжалик техникаси кўргазмасида мукофот билан тақдирланди.

АЖОЙИБ ПАХТА

АМЕРИКАЛИК кимёгарлар 99,8 фоиз ҳаводан қолган кремнийнинг иккиламчи оксиди молекуласидан иборат бўлган пахта яратдилар. Бу молекулар ҳаво момғи атрофида юпка тўр сифатида жойлаштирилади. Бу «қўпиртирилган қум» но-зик мевалар ва резаворлар, юпка деталлар, сезгир анжомлар учун ўраш материалли, ҳарорат сакловчи самарали восита сифатида ишлатилиши мумкин. НАСА эсе бундай материалдан тайёрланган ёстиқча микрометеоритлар ва кинот чанглариини ўрганиш учун йўлдошларнинг бирига ўрнатади. Бу заррачалар ёстиқча ўрнашиб қолади ва тўпланади.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

ТАҲРИРСИЗ ХАТ

ОҒЗИНГИЗНИ «САДКИЙ» ҚИЛИНГ

«Хурматли рўнома ходимлари! Қачонгача ўз тилимизни тан олмаймиз? Бугун дўнондан Тошкент шаҳрида чиққан тўртхил конфет олгандим. Улар ўралган қорозни ўқиб жуда хафа бўлдим. Тил ҳақидаги Қонунни қабул қилганимизга бир

МУҲАРРИРИЯТДАН:

«Қовун-қовундан ранг олади», — дейди халқимиз. Бу мақоланинг наварлар тўғри эканлигини Янгиёул «Лаззат» ширинликлар ишлаб чиқариш бирлашмаси таяёрлаётган маҳсулотлар ва Тошкент «Уртоқ» корхонаси маҳсулотлари ўралаётган қорозлардаги ёзувларни қийслаб ҳам билса бўлади.

Хурмат билан: Ш. ШОМАНСУРОВ.

НАВОИЙ ГУЛШАНИ

ЯНГИЙЎЛ шаҳри меҳнаткашлари улуг бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан у зотнинг табаррук но-мини абадилаштириш ҳақи-

даги таклиф билан шаҳар раҳбариятига мурожаат қилган эдилар. Янгиёул шаҳар кенгаши, фирқа ва ижрония кўмиталари аҳоли талабини ижобий ҳал этишди. Шаҳардаги А. С. Пушкин номили истироҳат боғи эндиликда «Алишер Навоий гулшани» деб юритилмоқда.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОИДА 16 МАРТ СОАТ 14.00 ДА НАВРЎЗ ТЕЛЕМАРОФОНГА

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Шерали ЖҲРАЕВ, Ғуломжон ЕҒЎУБОВ, Бобомурод ҲАМДАМОВ. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Феруза СОЛИҲОВА, Муножот ЙЎЛЧИЕВА, Ортинч ОТАЖОНОВ, Нарзиддин ШЕРМАТОВ. Жумҳурият I мақомчилар конкурси совриндори Раҳматжон ҚҲРБОНОВ. «ШОДЛИК», «ЛАЗГИ», «ЗАРАФШОН» давлат ашула ва рақс ансамбллари. Чипталар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

7 МАРТ СОАТ 17.00 ВА 19.30 ДА 8, 9, 10 МАРТ СОАТ 15.00 ВА 18.00 ДА ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА СССРНИНГ ЭНГ ЎШИ СЕҲРАРИ ОЛЕГ КОНТУЕВ ҲЗИНИНГ

«КЎҲНА ТИБЕТ СИРЛАРИ»

ДАСТУРИ БИЛАН ЧИҚАДИ Касса соат 11.00 дан бошлаб ишлайди. Маълумотлар олиш учун телефон: 44-35-91.

«Юбилей» Марказий спорт саройида

13 — 17 МАРТ КУНЛАРИ шаҳарликнинг кўп сонли илтимосига кўра ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА ФАҚАТ 5 КҲН «САВОБ» ҲАЙРИЯ ФИРМАСИ Иттифоқда танилган, жумҳуриятда етакчи экстрасенс-руҳий муолажакор АБДУРАФИҚ ҒОҒУРОВНИНГ Мамлакат бўйлаб узоқ сафари олдидан

ДАВОЛАШ СЕАНСЛАРИНИ ОЛИБ БОРАДИ

А. ҒОҒУРОВ ўзининг ноёб қобилияти билан беморларни нафақат саҳнадан туриб, балки узоқ масофадан ҳам ва беморни суратига қараб, ёхуд кўнглидан ўтказиб ҳам даволаш хусусиятига эгадир. Бундай тадбирлар кўп мартаба тажрибада синаб кўрилган ва тасдиқланган. Ихлосмандлар орасида кўз касалликлари, мутасил бош оғриқлари, уйқунсизлик, қон босими, бронхит, астма, қандли диабет, остеохондроз, полиартрит, артрит, артроз, юрак хасталиқлари, ўпка, буйрак, жигар, ўтпўффак, ичак, ошқозон, тери касалликлари даволанади, сариқлиниш асоратлари, умуртга поғона, ва кўл-оёқ сунялари жароҳатларининг оғриқлари йўқотилади, семизлик, озоб кетиш, жинсий заифлик ва бепарзандлик дардларидан ҳам фориғ бўлишлари кузатилади. Барча дардлардан қушайиш, руҳан бардам бўлай

дасанга СЕАНСЛАРГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ! Сеанслар соат 16.00 ва 19.00 да бошланади. Чипталар «ЮБИЛЕЙ» спорт саройи кассаларида ҳар кун соат 10.00 дан ва ваколатли касирлар томонидан сотилмоқда. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53, 77-56-10.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА 1991 ЙИЛ 9, 10-МАРТ КУНЛАРИ ТАЭКВОН-ДО БҮЙИЧА СССР БИРИНЧИ ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Мусобақаларда иттифоқдош жумҳуриятлар, Москва ва Ленинград шаҳарларининг энг кучли спортчилари, Бу тунигишнинг ва халқаро мусобақалар, СССР Таэквон-до федерациясининг 1990 йилдаги биринчилиги ва Таэквон-до бўйича СССР кубогининг гойиблари ва совриндорлари қатнашадилар.

МУСОБАҚАЛАРНИНГ БОШ ҲАКАМИ — халқаро тонфадаги ҳакам И. Л. ХОН (Тошкент). Мусобақалар соат 10 да ва 15.00 да бошланади.

Чипталар «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт саройи, Ўзбекистон ССР Таэквон-до федерацияси кассаларида ва жамоатчи касирлар томонидан сотилади. Маълумотлар олиш учун телефонлар: 46-03-12, 46-07-53, 46-70-31.

Театр

19.00, 10/III да Кўвнар кон-курсини АБРОҲИМ ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да Фармон-биби аралда (16.00 ва 19.00), 8/III да Отасининг кизм (12.00, 16.00 ва 19.00), 9/III да Фармон-биби аралда, 10/III да Зинфат. 19.00, 10/III да Кўвнар кон-курсини АБРОҲИМ ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да Фармон-биби аралда (16.00 ва 19.00), 8/III да Отасининг кизм (12.00, 16.00 ва 19.00), 9/III да Фармон-биби аралда, 10/III да Зинфат. 19.00, 10/III да Кўвнар кон-курсини АБРОҲИМ ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да Фармон-биби аралда (16.00 ва 19.00), 8/III да Отасининг кизм (12.00, 16.00 ва 19.00), 9/III да Фармон-биби аралда, 10/III да Зинфат. 19.00, 10/III да Кўвнар кон-курсини АБРОҲИМ ХИДОЯТОВ НОМИДАГИ УЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да Фармон-биби аралда (16.00 ва 19.00), 8/III да Отасининг кизм (12.00, 16.00 ва 19.00), 9/III да Фармон-биби аралда, 10/III да Зинфат.

Тошкент шаҳар агро-саноат моддий-техника таъминоти бошқармаси бошқармаси транспорт бўлимининг бошлиги О. Маҳмадова отаси МАҲАМАДАЛИ ОТАНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия наҳор қилади.